«ТАСДИКЛАЙМАН»
Косонсой туман Ободонлаштириш
бошкармаси
рахбари __________ Б. Бобохонов

Косонсой туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан
“Обод” МФЙ ички ирригация тармоғини жорий таъмирлаш буйича

# ТАНЛОВ УТКАЗИШ УЧУН

## ТЕХНИК ТОПШИРИК

Косонсой туман 2022 йил

# ТАЛАБЛАР

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан “Обод” МФЙ ички ирригация тармоғини жорий таъмирлаш. |
| 2 | Буюртмачининг тулик номи | Косонсой туман Ободонлаштириш бошқармаси |
| 3 | Буюртмачининг юридик манзили | Наманган вилояти Косонсой туман М.Аъзам МФЙ |
| 4 | Танлов утказиладиган манзил | Косонсой туман М.Аъзам МФЙ |
| 5 | Бажариладиган ишлар тугрисида изох | Таъмирланадиган ирригация тармоғини смета хужжатлари ва экспертиза асосида бажариш |
| 6 | Ишнинг техник тавсифи | Хизматларни бажариш жараёнида ёнғин, саноат ва техника хавфсизлиги коидаларнга тўла риоя килиниши шарт. |
| 7 | Ишларни бажариб бериш шартлари | Бажариладиган ишларни тулик сифатли талаб даражасида бажариб смета хужжатлари ва экспертиза асосида бажариб берилади |
| 8 | Иш микдори | Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган вазифаларни бажариш. |
| 9 | Бажарувчига куйиладиган талаблар | Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан “Обод” МФЙ ички ирригация тармоғини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун малакали мутахассисларга эга бўлиши, махсус техникаларга эга бўлиши, Қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингида ишончлилик даражаси юкори бўлиши зарур, шу сохада камида 3 йил иш тажрибасига эга бўлиши керак, солик ва бошка мажбурий тўловлардан карздорлиги бўлмаслиги, молиявий баркарор бўлиши шарт, буюртма берилганда тез муддатларда бажарилиши шарт. Лойиха смета хужжатларда кўрсатилган талаблар асосида ишларни бажарилиши шарт |
| 10 | Молиялаштириш манбайи | «Бюджет» маблаглари |
| 11 | Бажарилган ишлар хисоб-китоби | Бажурувчи томонидан таклим килинган, тарафлар томонидан тасдикланган бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда хисоб варакаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиклангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартнома суммаси тахминан 159 405 811 (Бир юз эллик тўккиз миллион турт юз беш минг саккиз юз ўн бир) сўмлик ишлар бажаралиши режалаштирилган. |
| 12 | Тулов шартлари ва шакллари | Контракт шартларига асосан |

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўрикнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошкаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чикилди.

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Косонсой туман ободонлаштириш бошкармаси томонидан Наманган вилояти, Косонсой туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан “Обод” МФЙ ички ирригация тармоғини жорий таъмирлаш учун малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб килинади.

1.2. Танловнинг охирги киймати – 159 405 811 (Бир юз эллик тўккиз миллион турт юз беш минг саккиз юз ўн бир) сўм. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) ой.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Косонсой туман ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади. “Буюртмачи” манзили: Почта манзили: ________, Наманган вилоят, Косонсой тумани, М. Аъзам МФЙ, Шохчинор кўчаси, 4-уй Эл.адрес: 200060024_512000026@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси оркали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади: -танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; -шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар; -танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; -ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; -танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда); -Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: -қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа хужжатлари, хусусан, лойиҳани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI KOSONSOY TUMANI KOSONSOY TUMAN OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI

**Косонсой туман Ободонлаштириш бошкармаси рахбари:** **Б.Бобохонов**